

НЕМИС ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА РАҚАМЛИ ВОСИТАЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Тожиева Дилбар Шукуровна

Ўқитувчи, Термиз давлат университети

Жамиятда рақамли ахборот воситаларидан фойдаланиш хилма-хилдир. Улар янги имкониятларни келтириб чиқаради ва янги йўллارни очади. Таълим соҳасида ўқувчилар турли хил билим манбаларига, ижтимоий тармоқлар учун турли имкониятларга ва таълимни кўллаб– қувватлайдиган кўплаб рақамли воситаларга эга бўлишади. Мақолада «компьютер технологиялари» тушунчасининг мазмуни ва уларнинг замонавий таълим жараёнидаги эгаллаган ўрни очиб берилган. Масофавий таълимнинг муваффақиятини бизнес, технология ва жамиятдаги ўзгарувчан рамка шароитлари фонида тушунтириш мумкин. Талабаларга асосан мультимедиа воситалари билан дарсда ва дарсдан ташқари мустақил ишлар тақдимои, лойиҳалар устида ишлаш ва нутқ фаолиятини барча турларини ривожлантиришда кўмаклашувчи вазибаларни бериш тил ўрганишдаги энг самарали усул эканлиги мисоллар билан ёритилган. Шу билан бирга ушбу таълимда учрайдиган айрим муаммолар мавжудлиги ҳам мақолада кўрсатиб ўтилган. Таянч сўз ва тушунчалар: рақамли технологиялар, масофавий таълим, интернет тармоғи, компьютернинг роли, мультимедиа воситалари, мотивацияни ошириш, талабаларнинг қизиқишлари, янгича методлар, муаммолар.

Преимущества использования цифровых инструментов в обучении немецкому языку

Тажиева Дильбар Шукуровна

Преподаватель Термезского государственного университета

Использование цифровых медиа в обществе разнообразно. Они открывают новые возможности. В области образования студенты имеют доступ к различным источникам знаний, различным возможностям социальных сетей и

множеству цифровых инструментов для поддержки обучения. Успех дистанционного образования можно объяснить в контексте меняющихся рамочных условий в бизнесе, технологиях и обществе. Примеры показывают, что наиболее эффективный способ изучения языка - это предоставить учащимся мультимедийные инструменты для самостоятельной работы в классе и вне его, проектной работы и выполнения заданий, которые помогают им развивать все типы разговорной деятельности. Вместе с тем, в статье также указывается, что при таком обучении встречаются некоторые проблемы. Ключевые слова и понятия: цифровые технологии, дистанционное обучение, Интернет, роль компьютера, мультимедиа, методы, интересы студентов, проблемы.

Advantages of using digital tools in German language teaching

Tojjeva Dilbar Shukurovna

Teacher, Termiz State University

The digital media implementation in society is diversified. That opens new opportunities. Nowadays, students have access to variety sources of knowledge, such as social media and networking, a wide range of digital tools which help learning process. The success of distance learning is closely related to changes of conditions in business, technology and society. The examples show that the most effective way of learning language is to provide students with multimedia tools for independent work in and outside the classroom, project work and assignments that help them develop all types of language skills. At the same time, the article also points out that there are some problems associated with that type of education. Key words and concepts: digital technologies, distance learning, the Internet, the role of the computer, multimedia, methods, students' interests, problems.

Кириш. Сўнгги йилларда янги ахборот технологияларини қўллаш масаласи тобора кучайиб бормоқда. Бу нафақат замонавий техник воситалар, балки ўқитишнинг янги шакллари, балки ўқув жараёнига янгича ёндашув ҳамдир.

Мультимедиа воситаларидан фойдаланиш ўқувчиларга ўқишга йўналтирилган янгича ёндашувни амалга оширишга ёрдам беради, ўқувчининг хусусиятлари, ўқув даражаси, қобилиятлари ҳисобга олинган ҳолда индивидуаллаштириш ва фарқлашни таъминлайди. Чет тилларини ўқитишнинг замонавий коммуникатив технологияларида компьютернинг ўрни. Бизнинг давримизда компьютер технологиялари жуда муҳим ва мустақил воситадир. Кўпгина болалар ва ҳатто катталар ҳам буни фақат компьютер ўйинларини ўйнаш учун ишлатишади. Аммо, хайриятки, кўп одамлар бундан тўғри фойдаланиш йўлини топдилар. Қўлимизда бундай ёрдамчининг мавжудлиги ишимизни енгиллатади ва вақтимизни тежайди, чунки биз уйдан чиқмасдан туриб тезислар, ҳисоботлар ва зарур бўлган барча нарсаларни чоп этишимиз мумкин. Бундан ташқари, компьютер чет тилини ўрганишда ёрдам беради. Ахир, чет тилини ўрганишда яхши натижаларга олиб келадиган кўплаб дисклар, электрон дарсликлар, мультимедиа воситалари мавжуд. Масалан компьютер ўқув жараёнини бошқаришда мослашувчанликни таъминлаб, талабалар фаолияти устидан назорат сифатини яхшилашга имкон беради. Бу ерда ўқитувчининг ўрни жуда муҳимдир. У дарс учун компьютер дастурларини, дидактик материалларни ва индивидуал топшириқларни танлайди, талабаларнинг иш жараёнида ёрдам беради, уларнинг билимларини баҳолайди. Компьютердан маълумот билан ишлаш воситаси сифатида фойдаланиш жуда хилма-хил. У бир неча сония ичида электрон кутубхонани кўриб чиқиши ва керакли маълумотларни топиши мумкин. Тил маълумотлар базалари (лингвистик «Корпус») ва мультимедиа ресурслари (тематик интернет сайтлари, тармоқ энциклопедиялари, галереялар, музейлар, ўқув юртлари виртуал саёҳатлари ва бошқалар) талабаларнинг тил ва маданий амалиётни сезиларли даражада бойитиши ва кенгайтириши мумкин. Тармоқ ресурслари ахборот–субъект муҳитини яратиш, таълим ва ўз-ўзини тарбиялаш, талабаларнинг шахсий ва касбий қизиқишлари ва эҳтиёжларини қондириш учун бебаҳо асосдир. Бироқ, интернет ресурсларидан ўз билганича фойдаланиш тез ва сифатли таълимнинг кафолати эмас¹. Мавзунинг

долзарблиги мультимедиа технологиялари, глобал ахборот-компьютер тармоғи (АКТ) ва интернетнинг дарс жараёнида мунтазам жорий этилиши таълим тизимига ижобий таъсир кўрсатишини очиб бериши билан муҳимдир. Илмий муаммонинг қўйилиши. Мультимедиа технологиялари, глобал АКТ ва интернетнинг таълим бериш жараёни билан боғлиқ масалаларни хорижий методист-олимлардан П.В.Сысоев, М.Н.Евстигнеев, Л.Г.Аверкиева, Ю.А.Чайка, Р.К.Потапова, Т.В.Карамышева. И.А.Зимняя, Л.П.Владимирова А.С.Карпов, Н.Ю.Пахомова, Л.П.Петрова ва бошқалар ўрганганлар. Лекин эълон қилинган ишларда АКТ ни дарсларда қўллашнинг айрим жиҳатлари ўрин олган. Компьютер дастурлари ёрдамида чет тилини ўрганиш талабаларда катта қизиқиш уйғотади. Ундан нутқ фаолиятининг барча турларини ривожлантиришда самарали фойдаланиш мумкин. Масалан: – электрон почта ёки чатдан фойдаланиш орқали талабаларнинг реал вақт режимида ёрқин мулоқот қилишлари, яъни шериклар ўртасида ёзма равишда ҳақиқий суҳбат уюштиришда; – интерфаол диалог сифатида талабанинг компьютер билан ўзаро алоқаси, яъни инсонмашина суҳбати сифатида; – аудио- ва видеоёзувларни эшитиш, кўриш ва тушунишда; – матнларни, уларга доир берилган савол ёки тестларни ўқиб тушунишда. Р.К.Потапованинг фикрига кўра, “Компьютер тармоқларида ишлаш ўқувчиларнинг ижтимоий жамият аъзоси бўлиш эҳтиёжини юзага келтиради, болаларнинг саводхонлиги ва нутқини ривожланиши яхшиланади. Телекоммуникация алоқаси орқали ўрганишга бўлган қизиқиш ортади ва натижада ўзлаштириш кўрсаткичи ҳам ортади”¹ . Ўқув компьютер дастури-бу талабанинг мустақил ишини ташкиллаштирадиган, уни бошқарадиган ва талабалар мустақил равишда билимларини шакллантиришга шароит яратадиган симулятор, чунки тайёр шаклда олинган билимлар кўпинча уларнинг онгларидадан ўтиб, хотирада қолмайди. Идрок қилиш жараёнида анализаторлар қанча кўп қатнашса, мия ярим қобиғида вақтинчалик асаб боғланишлари ҳосил бўлади, узоқ вақт давомида ушбу тасвирни хотирада муҳрлаш учун кўпроқ имконият яратилади² . Компьютер билан ишлаш талабада нафақат ўқишга бўлган

кизиқишни оширади, балки ўқишга нисбатан салбий муносабатнинг энг муҳим сабабларидан бирини - материални тушунмаслик муаммосини ҳал этишда ёрдамлашади, ўқув топшириқларининг тақдимотини осонлаштириш имконини беради. Ушбу жиҳат кўплаб компьютер ўқув дастурлари муаллифлари томонидан эътироф этилган. Талаба компьютер сичқончасини бир марта босиш орқали экранда чақирилиши мумкин бўлган турли хил маълумотномалар ва луғатлардан фойдаланиб, бир зумда керакли ёрдамни олади, муаммонинг ечимини охиригача етказиш имкониятига эга бўлади. Қийин ҳолатларда, компьютер талабаларга қисқа вақт ичида зарур маълумотларни олиш, вазифани муваффақиятли ҳал қилиш учун маълум «калитлар» ни тақдим этиш имконини беради. Компьютернинг чет тилини ўқитишдаги муҳим хусусияти шундаки, у талабанинг «суҳбатдоши» бўлиши мумкин, яъни коммуникатив йўналтирилган мулоқот режимида ва маълум бир шаклда, масалан, график воситалар билан ишлаш, анализатор ва нутқ синтезатори, табиий мулоқотнинг етишмаслигини қоплаш, унинг оғзаки ва оғзаки бўлмаган ҳаракатларини моделлаштириш, тақлид қилиш ва ҳоказолар. Чет тили дарсларида компьютерлардан фойдаланиш ҳозирда вақт зарурати ҳисобланмоқда. У ўз навбатида ўқитувчига ҳам енгилликлар яратади, яъни уй вазифасини зерикарли текширишдан, одатдаги ҳисоб-китоблардан ва назорат ишларидан халос қилади. Мавзуни моҳиятига эътиборни қаратиб, кўпроқ мисолларни кўриб чиқишга ва кўпроқ муаммоларни ҳал қилишга имкон беради, бу ишларни компьютерга топшириш мумкин. Компьютер ўқитувчига ҳам талабага ҳам ишнинг барча босқичларида ўзини синаб кўриш учун кенг имкониятларни тақдим этади.

References 1. Sisoyev P.V., Evstigneev M.N. Современные учебные Интернет-ресурсы в обучении иностранному языку // Иностранные языки в школе. 2008. № 6. С. 2–9. 2. Averkieva L. G., Chaika Yu. A. ISSN 1997-2911 Philological sciences. Questions of theory and practice, No. 1 (8) 2011. 3. Potapova R.K., New information technologies and linguistics: textbook. allowance. М.: KomKniga, 2005